ЎзССР Давлат китоб палатаси 130695

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

10 июнь, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 110 (1112)

## «СИЗ БИЗНИ МАЪҚУЛЛАГАН ЭДИНГИЗ...»

### Расмий зиёратдан кейинги ўйлар



*СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси ва Латвия Республикаси Президентларининг яккама-якка суҳбати чоғи.*



*СУРАТДА: Ўзбекистон ва Литва — иккитомонлама ҳужжатларни имзолаш пайти.*
**Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) тасвирга олган.**

Собиқ Иттифоқ парчаланиб, унинг ўрнида пайдо бўлган янги давлатлар орасида Латвия ва Литва мамлакатлари алоҳида ўрин тутади.

Аввало, ҳали Иттифоқ инқирозидан дарак ҳам бўлмаган кезлардаёқ бу икки мамлакат халқлари мустақиллик даъвосини қилиб дадил майдонга чиқди. Қолаверса, орзулар ушалиб, Иттифоқ йўқолгач, собиқ субъектларнинг кўпчилиги МДҲ аталмиш уюшмага бош қўшган пайтда, бу икки давлат ён қўшнилари Эстония билан биргаликда МДҲ тизимларига киришга мутлақо рўйхушлик бермадилар.

Албатта, бунинг сабаблари бор. Биринчидан, Болтиқбўйи республикалари собиқ СССР таркибига 40-йилда мажбуран қўшиб олинган, бинобарин, шўролар тузуми «неъматлари»ни бошқаларга нисбатан камроқ кўрган. Иккинчидан, қарамликда ўтган ярим аср оврўпоча яшаш ва фикрлаш тарзига мойил Болтиқ менталитетини ўзгартиришга улгура олмади. Учинчидан, ҳар уч мамлакатнинг геополитик ўрни ғоят қулай бўлиб, мустақиллик қўлга киритилгач, ҳар учала халқнинг кўнглида Европа иқтисоди ва сиёсатига интеграциялашув умиди туғилди. Сиёсатчиларнинг саъй-ҳаракатлари ҳам асосан шу мақсадга қаратилди. Баъзида, дейлик, айрим мусиқачи сиёсатчилар замонида Шарқдаги собиқ иттифоқдошлар хаёлдан кўтарилган кезлар ҳам бўлди.

Иттифоқ пароканда бўлгач, ҳар ким ўз йўлидан кетди. Болтиқбўйи мамлакатларида парламент типидаги давлатлар қарор топди. Биз тарафда эса, Президент республикалари вужудга келди. Ва ниҳоят, бугун, сиёсий ҳаяжонлар анча босилиб, турлича йўсинлардаги давлатчилик пойдевори қўйилгач, эски танишлар билан учрашиш ва гаплашиб олиш эҳтиёжи туғилди.

Даромадни мухтасар қилиб, асосий мавзуга — Президент бошлиқ Ўзбекистон давлат ҳайъатининг Латвия ва Литвага қилган сафарига ўтайлик.

Давлат ташрифидан мақсад — олиймақом қабул маросимлари эмас. Маросимлар — шунчаки лутф аломати, холос. Ҳар қандай ташриф замирида юрт манфаати бўлиши табиий. Президент Каримов сафарнинг Рига шаҳридаги илк учрашувида лўнда қилиб айтганидек, икки тарафнинг манфаати бир-бирига мос келмаса, ҳеч қандай ҳамкорлик бўлмайди, яхши ниятларнинг бариси қоғозда қолиб кетаверади.

Мамлакатимиз бошлиғи Ўзбекистоннинг Латвия ва Литва билан яхши муносабат ўрнатишдан кўзда тутилган мақсадларни яшириб ўтирмади. Бизга, энг аввало, бу икки мамлакатнинг қишда музламайдиган портлари керак. Европанинг энг ривож топган мамлакатлари билан алоқаларимиз кун сайин ривожланиб бормоқда. Ўзаро товар алмашув ҳажми кўпаймоқда. Дейлик, Польшага, Олмония ёки Францияга (бошқа узоқ мамлакатларга ҳам) Болтиқ денгизидаги лиманлар орқали юк юбориш ва улар юборган юкларни қабул этиб олиш биз учун жуда қулай.

Ўзбекистон — молиявий қурбли давлат. Нафақат денгиз портларидаги терминалларни ижарага олишга, балки латвиялик ёки литвалик воситачилар бизнинг сифоришимиз билан бошқа мамлакатлардан улгуржи баҳода харид этадиган маҳсулотларни сақлаш ва ортишга мосланган йирик консигнацион омборларни ижара тутишга ёки бутунлай сотиб олишга ҳам тайёр. Муҳими, Ўзбекистонга керакли товарлар ишончли жойда ва ишончли қўлларда сақланади. Зикр этилмиш услубда сотиб олинган юкларни темир йўл ёки автомобиль транспорти билан мамлакатга келтириш хийла осон.

Биз Тошкент ёки Фарғонадан Рига, Венспилдд ёки Клайпедага автомобиль қатнашини тасаввур этишга ўрганмаганмиз. Лекин тасаввур этиш пайти ҳам келди. Чет эллар билан узлуксиз юк қатновини ташкил этиш орзудан ҳақиқатга айланмоқда. Ана, Хоразмда қўшма завод ишга тушди. Бугунгача ҳар бири 30 тонна юк оладиган 600 та «Мерседес» йиғилди. Хоразмда юк машинаси ясайдиган завод қурилармиш, деган гап чиққанида баъзилар ишонмаган эди, бугун эса, қарабсизки, қудратли автопоездлар — биқинида йўлбарс расми — у иқлимдан бу иқлимга бемалол қатнаб турибди.

Портлардан фойдаланиш таклифи латишлар ва литваликлар манфаатига тўла мос тушади. Улар бир замонлар бутун бошли Иттифоқнинг ғоят улкан эҳтиёжларига хизмат қилган, бугунги кунда нари борса ярим кучи билан ишлаётган йирик денгиз портларини тўла қувват билан ишлатишга имкон берувчи юк оқимига муҳтож эканликларини заррача яширмайдилар. Ўзбекистон — улар учун нуфузли мижоз. Америкадан кейин дунёдаги энг катта пахта сотувчи мамлакат. Ўзини нефть ва ғалла билан таъминлаш арафасида турган бу давлатга тегишли пахтанинг илгари ёқилғи ва нонга айирбош қилинган мўмайгина қисми дахлсиз қолиши, умуман, нафақат пахта, балки бошқа молларни ҳам четга юк чиқариш ва шу баробар четдан юк олиш қуввати яқин йиллар ичида янада ошмоғи муқаррар.

Денгиз юк қатнови ҳақида гапирар эканмиз, Латвия ва Литва портларининг хизмати бошқаларникига нисбатан арзон эканини ҳам унутмаслигимиз керак. Мамлакатларнинг ҳукумат вакиллари, агар сўз узоқ муддатли ҳамкорлик хусусида борадиган бўлса, янада имтиёзлироқ шарт-шароитлар яратилишини ҳам алоҳида таъкидлаганлари бежиз эмас.

Масаланинг яна бир тарафи шуки, Латвия иқтисодида ҳам, Литва иқтисодида ҳам енгил саноатнинг улуши катта. Лўнда қилиб айтганда, уларнинг тўқув ва тикув корхоналари ўзбек пахтасига муҳтож.

Шу жойда бир нарсани эслаш жоиз. Ислом Каримов МДҲ мамлакатларида бўлар экан, текстиль соҳаси раҳбарлари уни кўришга ва «пахта беринг, акс ҳолда ишсиз қоламиз!» деган арзномаларини қўлига тутқазишга ҳаракат қилишади. Болтиқбўйи текстилчилари ўзларини анча сипо тутишди. Президентга ёзилган мактублар ҳам анча жўяли. Мактублар мазмуни шуки, биз ўзбеклар билан текстиль соҳасида қўшма корхоналар қурмоқчимиз, технология — биздан, ишчи кучи ва хомашё — сиздан.

Бундай мазмундаги мактублар иқтисодчи Ислом Каримовга ёқиши табиий. Эски замонлар ўтиб кетди. Текинга мол берадиган анойи йўқ. Пахта — жарақ-жарақ пул. Пулингиз бўлса, марҳамат, кўпчилик қатори, яъники дунё нархида олинг. Бозор ўз оти билан бозор. Харидорнинг миллати бўлмайди. Бировга кўзинг яхши, бировга сўзинг яхши, деб бойваччалик қилсак — ўзимизга қийин.

Узоқни кўзлаган одам қўшма корхона пайидан бўлади. Яхши технология топиб, ўзбекнинг пахтасини ишлатса, топилган фойдани инсоф билан ўртада «арра» қилса — марра ўшаники. Фалон тонна пахта беринг, деб ялиниб юрмайди, негаки, шерикчиликнинг ўзига яраша кафолатлари бор. Бу тарафи, солиқ борасидаги имтиёзлар...

Президент енгил саноат борасидаги шериклик ғоясини маъқуллади. Бунинг сабаби шуки, Болтиқ мамлакатлари халқи ғирромдан узоқ, чиқарган моллари сифатли ва, энг муҳими, анча арзон. Яқин ўтмишда улардан сотиб олган радио аппаратларимиз, музлатгичларимиз, электр товарлари, уй жиҳозлари, инчунун, мебель сифатини эслаб кўрайлик. Ўша сифат ошган бўлса ошганки, асло камайган эмас.

Яна бир муҳим шарт шуки, Латвия ва Литва давлатлари худди бизга ўхшаб, иқтисодга сиёсатни аралаштирмайди. Сиёсат — ўз йўлига, иқтисод — ўз йўлига.

Улар ташқи сиёсат борасида ҳам ҳалол, тўғри муносабат тарафдори. Латвия ҳам, Литва ҳам Ўзбекистоннинг минтақада ва дунёда тутган ўрни ва аҳамиятини яхши англайди. Ҳар иккала мамлакатнинг минтақавий интеграцияга, хусусан, Европа Иттифоқи тизимларига киришга интилишига бизнинг мамлакатимиз яхши рағбат билдирмоқда. Ҳар иккала мамлакат ҳам Европага элтувчи дарвоза вазифасини ўтайди. Биз бугунги кунда Европа ва жаҳон иқтисодига интеграциялашув хусусида қайғурар эканмиз, Латвия ва Литванинг геополитик ўрнини ҳисобга олишдан, улар билан дўстона муносабат ўрнатишдан жуда манфаатлимиз. БМТ ва Европадаги хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги фаолиятимизда ҳам дўст мамлакатлар билан бамаслаҳат иш кўриш мақбул.

Ўзбекистон модели билан Латвия ёки Литва моделлари ўртасида ўхшашлик борми, деган савол туғилиши табиий. Бир қарашда, ўхшашлик йўқдай. Бозор ислоҳотлари собиқ иттифоқдошларимизда бизга нисбатан олдинроқ бошланган эди. Уларнинг дастлабки аҳволи ҳам бизникига нисбатан тузукроқ эди. Коммуникация соҳасида ҳам уларнинг аҳволи яхшироқ эди.

Бугун Латвияда иқтисодий кризис бир қадар жиловланди. Миллий пул — лат қадри ёмонмас. Бир лат икки долларга тенг. Пулнинг қадри яхши, аммо аҳолининг харид қудрати камроқ. Маълум даражада, лат қирғиз биродарларимизнинг сомини эслатади. Яъники, унинг ҳам қадри сунъий тарзда ушлаб турилибди. Лекин Қирғизистондан фарқли ўлароқ, Латвияда ишлаб чиқариш бор. Заводлар, фабрикалар тўхтаб қолгани йўқ. Демак, иқтисод ривожига умид бор.

Литва ҳам дастлаб Латвия йўлидан борди. Аммо раҳбарият ўзгариб, президентлик лавозимига Альгирдас Бразаускас келгач, литваликлар биз уч ярим йил олдин танлаган йўлдан, яъники ислоҳотларни давлат тарафидан бошқариш йўлидан кета бошладилар. Президент Каримов қўллаб, бирор йилча олдин Россия сиёсатчилари тилига тушган яна бир тушунча, яъники «ижтимоий йўналтирилган бозор ислоҳоти» атамаси Литвада ҳам тан олинди.

Сафарни тайёрлаш учун бирор ҳафта олдин бориб, ҳар икки мамлакатнинг ҳаётини озгина кўрган ҳамюртларимизнинг гувоҳлик беришича, Литвада мол-матоҳ, гарчи бир доллар миллий пул бирлиги литнинг тўрттасига тўғри келса-да, Латвияга нисбатан анча арзон, одамларнинг маишати ҳам бирмунча тузук.

Латвиянинг ҳам, Литванинг ҳам ўзига хос муаммолари жуда кўп. Хусусан, янги сиёсий тартибда муносиб ўрин топиш, ўз мамлакатларининг янги шароитда наркобизнес учун, халқаро жиноятчилар учун, транзит (ўтиш) маконига айланиб қолмаслик йўлида курашишлари керак.

Латвия ва Литва Европа сиёсий ва иқтисодий тизимларига кириш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Аммо бу дегани Европа бозори дарвозалари улар учун ланг очиқ дегани эмас. Болтиқбўйи ишбилармонлари кейинги икки-уч йилда эски иқтисодий алоқаларни эслашга, тиклашга қаттиқ киришдилар. Аммо, Президентимиз айтганидек, айрим сиёсатчилар уларга нисбатан анча кечикишди. Эски ва синалган алоқаларни тиклаш учун қонуний ҳужжатлар керак. Расмий сафар давомида бундай ҳужжатларнинг асосий қисми ҳар иккала давлат билан имзоланди. Ислом Каримов ташаббуси билан қўшимча ҳужжатлар, хусусан, икки бора бож тўловидан озод этиш, сармояларни муҳофаза этиш ҳақидаги ғоят муҳим битимларни тайёрлаш учун махсус комиссия тузилди. Бу ҳужжатлар ҳам дўст мамлакатларнинг давлат ёки ҳукумат делегациялари зиёрати чоғида, кечи билан куз фаслида имзоланади ва кучга киради.

* * *

Болтиқбўйи мамлакатлари МДҲ тизимларига озгина ҳадик билан қарашлари сир эмас. Шу сабабли, улар Ўзбекистоннинг МДҲдаги алоҳида ўрнини, хусусан, МДҲ тизимини собиқ СССРга ўхшаш бирликка айлантиришга зид принципиал ҳаракатларини жуда диққат билан кузатиб борадилар. Худди шу сингари, Латвия ва Литва Украинанинг ҳам МДҲ доирасида мустақил сиёсат олиб боришига алоҳида рағбат билдирадилар. Бунинг сабабларини ҳижжалаб тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак.

Қолаверса, Марказий Осиё минтақасидаги демократик ҳаяжонлар анча босилиб, сиёсий ва иқтисодий жараёнлар хийла тиниқлашгач, минтақада Ўзбекистон тутган ўрин анча салмоқли экани аён бўлди. Иқтисодий потенциал, аҳоли сони жиҳатидан ҳам мамлакатимиз яхши шерикчилик қилишга арзишини эндиликда ҳамма тушунади. Қолаверса, Латвия ва Литва учун ўзи яқинлашишни ихтиёр этган Франция, Германия, Голландия, Швейцария, Буюк Британия каби мамлакатларнинг Ўзбекистон билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали алоқалар ўрнатгани, дунё молиявий тизимлари Ўзбекистондаги йирик лойиҳаларни дадил сармоя билан таъминлаётгани ҳам жуда муҳим. Бу факторларнинг барчаси мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотлар тўғри йўлдан кетаётганидан дарак беради.

* * *

Президент Каримов сафар чоғида Латвия Президенти Гунтис Улманис, Литва Президенти Алгирдас Бразаускас билан, Латвия Бош вазири Марис Гайлис, Литва Бош вазири Адольфас Шлежявичюс, парламентлар раҳбарлари Анатолий Горбунов ва Чесловас Юршенас билан учрашиб суҳбатлашди. Музокаралар ғоят самимий руҳда ўтди. Латвия ва Литвада мамлакатимизга ва давлатимиз сиёсатига қизиқиш катта. Ҳар иккала мамлакат халқи бизнинг истиқлолимизга катта эҳтиром билан қарайди. Ҳар икки мамлакатнинг ҳам тарихи қадимий. Ҳар икки халқ билан бизнинг халқимиз ўртасида ўзаро кин ва адоват бўлган эмас. Ҳар иккала халқнинг яқин ўтмишда озодлик учун олиб борган кураши барчамизга маълум.

Шу боисдирки, Президент Ислом Каримов сафар чоғида уларнинг собиқ Иттифоқда чинакам мустақилликка эришиш учун биринчи бўлиб кураш бошлаганларини алоҳида эътироф этди. Кўрсатилган тазйиққа қарши чидам, сабот ва матонат билан бардош берганликлари учун юксак ҳурматини изҳор қилди.

Уларнинг бизга нисбатан эҳтиромига келсак, Вильнюс шаҳридаги бир учрашувни эслаш билан кифояланган маъқул.

— Бир вақтлар, 1989 йилда, болтиқликлар мустақил бўламиз деб кураш бошлаган пайтда жаноб Горбачев комиссия тузиб, мени ҳам комиссияга қўшиб Литвага юборган эди, деб ҳикоя қилди Президент Ислом Каримов. — Жаноб Горбачев менинг, пахтакор республика раҳбарининг сизларга келиб, «мустақилликни бас қилинглар, акс ҳолда пахта бермай қўямиз» дейишимни кутган эди. Вильнюсда бўлдим, Клайпедада, Алитаус шаҳарларида бўлдим, одамлар билан учрашдим, ишчилар билан, тўқимачилар билан гаплашдим...

Шунда орқа қаторда ўтирган бир киши ўрнидан турди.

— Мен ўша сиз борган Алитаус фабрикасининг директори Андрюшкявичюс бўламан, — деди у.

Президент шу жойда озгина сукут сақлади. Ўнг кўзини сал қисиб, дангал сўради:

— Хўш, мен ўшанда сизларга «Мустақилликдан воз кечинглар!» деб айтган эдимми?

— Аксинча, — деди ҳалиги одам. — Сиз бизнинг ниятимизни қўллаган эдингиз.

Ўзаро рағбат ва меҳру оқибат ҳақида бундан яхшироқ изоҳ тополмаганимиз учун ўқувчидан узр сўраймиз.

**Мирзо ҒУЛОМОВ.**

## МИННАТДОРЛИК МАКТУБИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

*Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!*

*Таваллуд куним муносабати билан йўллаган унутилмас табрикномангиз учун Сизга чин кўнгилдан ташаккур изҳор этаман.*

*Шарқнинг фозила аёллари қаторида менинг исмимни ҳам тилга олиб айтган сўзларингизни ижодимга берилган ғоят юксак баҳо деб қабул қиламан.*

*Мен жуда бахтлиман. Халқим билан бирга асрий орзумиз бўлган буюк истиқлолни кўриш саодатига мушарраф бўлдим.*

*Сизнинг «армонлардан тирик орзулар яратган» бардош ҳақида айтган сўзларингиз энг оғир кунларимда менга мадад бўлган буюк халқимнинг меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини ўзида мужассам этгандир.*

*Зеро, айрилиғу саодат ҳам, садоқату матонат ҳам азизу мўътабар момоларимиздан бизга меросдир.*

*Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!*

*Халқимиз ўз қадру қаддини тиклаётган, тарихий воқеаларга бой бугунги ҳаётимизда Сизнинг фидойи раҳнамолигингиз алоҳида ҳурмат ва эътирофга моликдир.*

*Маълумки, тарихий бурилиш босқичида халқ тақдирини яхшиликка йўналтирувчи улуғ йўлбошчилар иши — ҳал қилувчи қудратдир.*

*Бугун ён қўшним — жон қўшним Тожикистонда биродаркушлик давом этаяпти. Озор элида, Гуржистонда — нотинчлик, Чеченистон уруш асоратларидан яқин йилларда фориғ бўла олармикин? Ана шуларни ўйлаганимда она тупроғим — Ўзбекистондаги осойишталик учун шукроналар айтаман. Ана шундай мураккаб даврда юртимизда фақат тинчлик, осойишталикни таъминлабгина қолмай, халқнинг маданиятини ўстиришга алоҳида эътибор берилаётганига шукроналар айтаман.*

*Улуғ ёшга етганимдаги ҳаётий хулосам шулки, фақат аҳилликкина мамлакатни обод этади, халқни кенг тараққиёт йўлларига олиб чиқади. Биз, барча касб эгалари, хусусан, адиблару санъаткорлар қўлни-қўлга бериб, ҳар қандай майда-чуйда эҳтиросу адоватлардан воз кечиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек буюк мақсад йўлида фидойи бўлиб, меҳнату ижод этишимиз керак.*

*Шундай юксак ҳурмат, ишонч ва эъзоз учун Сизга яна бир бор таъзим бажо келтираман.*

*Илоҳим, Сиз тутган йўл, биз ишонган йўл, Ўзбекистон йўли ҳамиша оқ, чароғон бўлсин!*

**Сизга самимий ҳурмат ила ЗУЛФИЯ.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШИ

«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, шунингдек, Тошкент ва Ўрта Осиё рус православ черкови епархиясининг миллатлараро тинчликни, фуқаролар тотувлиги ва мамлакатимиздаги турли динларга эътиқод қилувчилар дўстлигини мустаҳкамлашдаги мавқеини юқори баҳолаб:

1. Тошкент ва Ўрта Осиё архиепископи Владимирнинг Свято-Успенский кафедрал собори ҳузурида диний-маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йил ноябрь ойида епархиянинг 125 йиллиги тантаналарини ўтказиш тўғрисидаги мурожаати қўллаб-қувватлансин.

2. Тошкент шаҳар ҳокими:

Тошкент шаҳар Кафанов кўчасидаги Свято-Успенский собори ҳудудини кенгайтирган ҳолда епархиянинг диний-маъмурий марказини лойиҳалаштириш ва қуриш учун қўшимча ер майдони ажратиш бўйича:

ободонлаштирилаётган зонадан кўчирилаётган оилалар учун 1995 йил мобайнида зарур миқдорда қулай квартиралар ажратиш бўйича, уй-жой билан таъминлаш харажатлари қиймати епархиал бошқармаси маблағлари ҳисобидан тўланган ҳолда;

Бир ой муддатда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига қурилиш майдонини тозалаш, Свято-Успенский собори ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан тайёргарлик ишларини бажариш бўйича;

Давлат мулки қўмитасининг шаҳар бош бошқармаси «Тошуйжойлойиҳа» институти билан биргаликда «Гуландом» кафеси иморатларининг қийматини аниқлаши ва қилинган харажатлар кейинчалик епархия бошқармаси томонидан тўланиши шарти билан уни епархия бошқармасига хайрия мақсадларида фойдаланиш учун бериш бўйича кечиктириб бўлмайдиган ташкилий чора-тадбирларни кўрсин.

3. Епархиянинг диний-маъмурий маркази қурилиши сабабли бузиладиган иморатларни бўшатиш зарурлиги муносабати билан:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда республика суд-тиббий экспертиза бюросини бошқа тенг бинога қайта кўчириш масаласини ҳал қилсин.

«Дори-дармон» уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувхўжаликлойиҳа» институти билан биргаликда 4-дорихонани кўчириш масаласини 1995 йил 1 июлгача ҳал қилсин.

4. Тошкент қурилиш бош режаси илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти ва Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва ободонлаштириш давлат лойиҳалаш институти епархия бошқармаси буюртманомаси бўйича диний-маъмурий марказ биноларини лойиҳалашда техник ёрдам берсинлар.

5. «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси 1995 йилнинг иккинчи чораги мобайнида епархия бошқармаси маблағлари ҳисобига Свято-Успенский собори атрофида тўсиқ ўрнатилишини, шунингдек, шаҳар қурилиши норма ва қоидаларини назарда тутган ҳолда диний-маъмурий марказ қурилишининг биринчи навбатини 1996 йил августидан кечиктирмай ишга туширишни таъминласин.

6. Епархия фаолиятига кундалик амалий ёрдам беришни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита штат жадвалига қўшимча иккита штат киритилсин.

Молия вазирлиги Дин ишлари бўйича қўмитага кўрсатиб ўтилган мақсадларга республика бюджетидан қўшимча маблағлар ажратсин.

7. Ташқи ишлар вазирлиги ва Дин ишлари бўйича қўмита Тошкент шаҳрида 1995 йил сентябрда «Бир само остида» шиори остида халқаро конференцияни ва 1996 йил ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида бошқа мамлакатлардан меҳмонларни таклиф этган ҳолда рус православ черкови епархиясининг 125 йиллиги тантаналарини тайёрлаш ва ўтказишда амалий ёрдам берсинлар.

8. Республика оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрида рус православ черкови епархияси 125 йиллигига тайёргарлик ишларининг бориши ва ўтказилишини кенг ёритиш тавсия этилсин.

9. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий масалалар ва маданият бўлимига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 июнь

## СЎЗ САНЪАТКОРИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати Саид Аҳмад 75 ёшга тўлди. У қарийб 60 йилдирки, ижод билан машғул. Шу давр мобайнида адибнинг элликдан ортиқ китоби нашр этилди. Бугун мамлакатимизда унинг асарлари кирмаган хонадон йўқ десак, муболаға бўлмайди. Ёзувчи асарларини кўпи хорижий тилларга таржима қилинган.

Ижодини ҳажвий ҳикоялар ёзишдан бошлаган Саид Аҳмад кейинчалик йирик асарларга ҳам қўл урди. Айниқса, «Уфқ» трилогиясини китобхонлар севиб кутиб олди. «Келинлар қўзғолони», «Куёв» комедиялари кўп йиллардан бери театр саҳналаридан тушмай келади. Улкан сўз санъаткорининг «Муҳаббат можароси», «Тўйлар муборак», «Куёв» фильмлари ҳам эл орасида машҳур.

9 июнь куни Тошкентда адиб юбилейига бағишланган тантанали кеча бўлди. Алишер Навоий номидаги катта академик театрга жамоатчилик вакиллари, адибнинг мухлислари, қаламкаш дўстлари йиғилди. Кечани Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов очди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Хайрулла Жўраев юртбошимизнинг Саид Аҳмадни Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» ордени билан мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб эшиттирди ва йиғилганларнинг қарсаклари остида орденни адиб кўксига тақиб қўйди. Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолияти тўғрисида гапирди.

Республика жамоат ва ижодий ташкилотларининг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар меҳнаткашларининг вакиллари, хорижий меҳмонлар адибни муборак ёши билан қутладилар.

Кеча сўнггида Саид Аҳмад кўрсатилган ҳурмат ва эҳтиром учун самимий миннатдорлик изҳор этди.

Республика санъаткорлари ва ҳажв усталари ижросида катта томоша кўрсатилди.

Юбилей кечасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов қатнашди.

**(ЎзА).**

# Бир пиёла чой устида



*Эргаш Худоёров 1951 йили Бойсун туманида туғилган. Миллий кураш бўйича Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари биринчилигида ғолиб чиққан. Спортнинг уч тури бўйича спорт устаси. Самбо бўйича икки марта, дзюдо бўйича етти марта Ўзбекистон чемпиони бўлган. Сурхондарёликлар Эргаш Худоёровни миллий кураш бўйича билимдон ҳакам сифатида яхши танийди. У киши билан суҳбатимиз полвонлар ва полвонлик ҳақида бўлди.*



• *Юзма-юз*

## ДАВРАЛАРДА КУЧ ВА ҲАЛОЛЛИК БОР

**— Эргаш ака, ат-Термизий хотирасига бағишлаб миллий кураш бўйича 2 марта халқаро турнир ўтди. Ҳар иккала турнирда мутлақ ғолиблик ҳам, команда ҳисобидаги биринчилик ҳам сурхондарёлик полвонларга тегди. Бош ҳакам — сурхондарёлик. Мусобақа Термизда ўтаяпти. Бу ҳол сизга қандай туюлади?**

— Жуда табиий туюлади. Ҳалоли бўлсин дейман. Сурхондарёликлар туғма полвон халқ. Фарғона водийси аскияси, Хоразм воҳаси санъати, Сурхондарё эса полвонлари билан довруғли. Чунки сурхондарёликлар Алпомиш авлодларидир. Тўғри, мусобақалар Термизда ўтди. Аммо Хоразмда, Қорақалпоғистонда ўтса ҳам сурхондарёликлар биринчиликни оларди, деб ўйлайман ва фахрланаман.

**— Президент соврини бўлган «Волга»ни ўйингоҳдан миниб кетган иккинчи турнирнинг мутлақ ғолиби Рустам полвон ҳақида гапирсангиз.**

— Рустам Эргашев 1972 йили туғилган. Вазни 110 килограмм. Жарқўрғон шаҳридаги спорт мактабида мураббий бўлиб ишлайди. Хиросимада ўтган Осиё ўйинларида спортнинг дзюдо тури бўйича қатнашди. 1-турнирда Ўрол полвондан йиқилиб армонда қолган эди. Ўз устида қаттиқ ишлади ва машқларининг самарасини кўрди. У чапақай. Оёғини рақибининг оёқлари орасидан илдириб олиб, кўтариб, сўнг ортга итариб йиқитишнинг ҳаддисини олган. Бу унинг ўзига хос услуби.

**— Миллий кураш бўйича II халқаро турнирга дунёнинг бир неча мамлакатларидан таклиф этилса-да, нега кўп полвонлар келмади?**

— Хиросимада таклифномалар 60 мамлакат вакилларига тарқатилганди. Ҳали турнир ёш. Насиб қилса, турнирнинг навбатдагиларига юзлаб мамлакатдан полвонлар келади, деб турибмиз. Яна шуни айтиш керакки, ҳали миллий халқаро турниримизни анча такомиллаштириш, жаҳон спорти андозаларига мувофиқлаштириш керак. Айтайлик, миллий кураш кийимимиз — яктак талабга жавоб бермайди. Бир енгидан ушласангиз, дарров ечилиб кетади. «Чала» деган баҳомиз бор, шуни баллар билан ҳисобланадиган қилиб, қайта ўзгартириш керак. «Ёнбош» деган баҳо бор, ана шуни ютуққа ҳисоблашмайди, ҳолбуки, бунинг учун қанча куч сарфланади. Ана шуниям ютуққа ҳисоблаш лозим. Умуман, бу борда менинг кўп таклифларим бор. Қани эди Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия қўмитаси, Миллий кураш федерацияси жойларда сўровлар ўтказса, полвонларнинг, мутахассисларнинг фикрини тингласа, шу асосда қоидаларни мукаммаллаштирса нур устига аъло нур бўларди. Қанийди, Осиё ўйинлари дастуридаги спорт турлари орасидан бизнинг миллий курашимиз ҳам ўрин олса. Ат-Термизий хотираси учун ўтказилган миллий кураш халқаро турнири бу йўлда қўйилган дастлабки қадам бўлди,— дейиш мумкин. Ўзбекнинг миллий курашига жаҳоннинг эътиборини қаратишга ҳаракат қилаётганларга мингдан минг ташаккур. Эндиги ҳаракат биздан — жонкуярлардан бўлмоғи лозим. Полвончасига айтганда, буёғини тортиб кетишимиз керак.

**— Нима учун курашни яхши кўрасиз?**

— Давраларда биласизми нима бор. Давраларда куч ва ҳалоллик бор. Бу одамни юксакликка кўтарадиган шароит дейинми, имконият дейинми, таърифлай олмайман. Умуман, бизнинг ота-боболаримизни университетлар эмас, давралар одам қилган. Давра кўрган, деган гап бор-ку. Киши давра кўрмай одам бўлиши қийин.

**— Ҳозирги олишлар билан илгариги олишларнинг қандай фарқи бор?**

— Мен муштдайлигимдан олиш томоша қилгани тўйга борардим. Унда электр чироқлар йўқ, туни бўйи симга латта-путталарни қалин боғлаб, онда-сонда керосин сепиб ёқиб, шунинг ёруғида кураш бўларди. Тонг отгунча олиш бўларди, гоҳо. Ҳеч ким уйқудан қолдим деб нолимасди. Ҳозир полвонлар кам. Ҳозирги ёшларни ғарбнинг бемаъни видеофильмлари чалғитаяпти. Курашда ор-номус деган нарса бор. Одам болаликдан орномус учун курашади. Укасини йиқитса, орига акаси чиқади, қариндош-уруғлари чиқади. Шон-шараф учун курашга одам болаликдан ўрганиши лозим.

**— Хотин-қизларнинг курашига қандай қарайсиз?**

— Аёллар... рақс тушгани маъқул.

**— Эргаш ака, гулдурос давраларда истиқлолни мен ҳаммадан яхши кўраман, деб гапириб юрасиз. Сабаби нима?**

— Миллий курашниям эскилик сарқитига чиқариб, тўхтатиб қўйишларига оз қолганди. Полвон учун курашсиз ҳаёт зерикарли. Истиқлол туфайли миллий кураш нафақат тикланди, ҳатто халқаро турнирлар ўтиб, жаҳонга юз тутаяпти. Ўзбекнинг қоракўз болалари жаҳон давраларида «Ё, пирим» деб ҳайқириб олишади, энди. Ҳа, яна бир нарса эсимга тушди. Халқаро майдонга чиқиш учун анкета тўлдиришса «Фамилияси Худоёров экан, бўлмайди», деган жавобни эшитиб, ҳафсалам пир бўларди. Э, худо, мантиқни кўринглар дегим келарди.

«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири
Абдуғаффор ОДИНА
суҳбатлашди.

## ТАБОБАТ ДУРДОНАЛАРИ

### ОДАМ ҚУЛОҒИ ОРҚАЛИ СЕМИРАДИ

Одам ёқимли хушхабарларни ва ширин сўзларни эшитишдан хушҳол бўлади, кўнгли ёзилади, асаби мустаҳкамланади, соғлом ва тандуруст бўлади. Хурсандчилик одамни семиртиради.

**Жалолиддин РУМИЙ.**

### КЎКАТЛАРНИНГ ФОЙДАСИ ҲАҚИДА

Кўкат қўйилмаган дастурхон ақл ато қилинмаган нодонга ўхшайди.

***

Кимки мол-давлатим ва болаларим кўпайсин деса, кўкатлар ейишни доимо одат қилсин.

**«Ширва»дан.**

### СОЧ ТЎКИЛИШИ ҲАҚИДА

Вужудларида ҳўллик кўплиги туфайли аёллар ҳеч қачон кал бўлмайдилар.

**«Баҳор ал-Жавоҳир»дан.**

### ТАБИИЙ ЎЛИМГА ЧОРА ЙЎҚ

Жолинус қорин оғриғидан, Арасту қорасон касаллигидан, Буқрот фалаж иллатидан, Афлотун ўпкага сув йиғилишидан, Суқрот эса кўр бўлиб ўлган. Ибн Сино эса қабзиятдан вафот этди.

**«Тассҳил ал-Манофиъ»дан.**

### МУРДАНИНГ ИШҚИ БОҚИЙ ЭМАС

Ўлик бора-бора эсдан чиқади. Мурда ишқи боқий турмас, чунки у энди ҳаётга қайтиб келмас. Ўликка йиғлаб, соғлиқдан айрилгунча, тириклар ғамини е.

**Жалолиддин РУМИЙ.**

### ОДАМ УМИД БИЛАН ТИРИК

Ҳаётда умидсизлик одамни тез қаритади. Ҳаётга муҳаббат шолни ҳам турғизиб юборади.

**Абдулқосим ФИРДАВСИЙ.**

### ХОТИРА (ЭСДА САҚЛАШ) ТАРБИЯСИ

Қувваи ҳофиза (эсда сақлаш)ни оширадиган нарсалардан бири овқатни кам ейиш, такрорлашни кўпайтириш, ҳар куни наҳорда оч қоринга асал истеъмол қилиш, ҳар куни нонуштада йигирма бир донадан майиз ейиш, балғамни даф этадиган нарсалардан танавул қилишдир.

Аммо унутишга (фаромушлик)га сабаб бўладиган нарсалардан бири ғаму қайғуни кўп тортиш, хотиржамликнинг йўқлиги, оғир меҳнат, ҳўл кашничдан кўп истеъмол қилиш, аччиқ олмалардан ортиқча ейишдир.

**«Маърифатнома»дан.**

### КЎП СЎЗДАН ЗАВОЛ ЕТАДИ

Оз гапир, соз гапир. Сўзинг дур бўлсин, эшитган кишига ҳам ҳузур, ҳам сурур бўлсин. Кўп сўзнинг хатоси кўпдур, хатодан эса чексиз азоб келиши мумкин.

**Низомий ГАНЖАВИЙ.**

## КЕЛИНГ, ТИЛИМИЗНИ ҚАЙРАБ ОЛАЙЛИК ЁКИ МАҚОЛЛАР ИЗОҲИ

### ТОВУС ТАНАСИГА ҚАРАБ ЯЙРАЙДИ, ОЁҒИГА ҚАРАБ ЙИҒЛАЙДИ

Товуснинг парлари ва патлари ниҳоятда чиройли бўлиб, ранг-баранг товланиб туради, ҳамманинг ҳавасини келтиради. Аммо унинг оёқлари ола-пес бўлиб, кўрган кишини жиркантиради. Бу — мақолнинг тўғри маъноси, баъзи одам юқори мартабали, давлатманд, «егани — олдида, емагани кетдида» бўлиб, ҳеч бир нарсага муҳтожлик сезмайди. У бу жиҳатдан мамнун, хурсанд бўлиб, кўнгли тоғдек кўтарилиб юради. Аммо, бошқа бир жиҳатдан камчилик-нуқсони бўлади (масалан: бефарзанд бўлади, фарзанди жисмоний нуқсонли ё номаъқул бўлиб чиқади; хотини ё эри ёмон бўлади; ўзи бедаво дардга чалинган бўлади ва ҳ.к.); у бу жиҳатдан доимо ҳафа бўлиб, изтироб чекиб, асабланиб, афсусланиб юради. Мазкур мақолни мажозий маънода ана шундай кишиларга нисбатан айтадилар.

### ЧИЛЛАСИ ЧИРОҚ КЎРМАГАН — МУМ ШАМНИ КАМСИТАР

Ўтмишда халқимиз бола туғилгач, қирқ кунгача (яъни, чилласи чиққунча) тепасига чироқ ёқиб қўярдилар. Йигирма кунни «кичик чилла», қирқ кунни «катта чилла» деб атардилар. Қирқ кунгача шам ёқиб қўйишга бой ва ўзига тўқ одамларнингина қурби етарди, албатта. Камбағалникида қирқ кунгача шам ёқиб қўйиш қайда?! Мана шундай камбағал оилада туғилган, чилласида чироқ ёқилмаган одам катта бўлгач сал бойиб қолсаю, шу бойлигидан мағрурланиб, кишиларни назарписанд қилмай, менсимай қўйса, бировникида ёқиб қўйилган жинчироқни кўриб: «буни қаранг, мум шам ёқмабди» деб камситса, унга қарата аччиқ киноя тарзида мазкур мақолни қўллаганлар. Ҳозир ҳам шунга ўхшаш ҳолларда қўллайдилар.

## ШАНБАДАН ... ЖУМАГАЧА

Зоминнинг Хайрулла Боқиев номидаги 1-ўрта мактабида республика Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ижодкор ўқитувчи ва тарбиячиларнинг 4-адабий анжумани бўлди. Анжуманга Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан вакиллар, шоир ва ёзувчилар таклиф этилди.

Самарқанддаги 6-меҳрибонлик уйи ташкил топганига эллик йил тўлиши муносабати билан катта тантана бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, собиқ тарбияланувчилар қатнашди.

Фаолиятини уруш йиллярида Москва, Украина, Белоруссиядан олиб келинган болаларни тарбиялашдан бошлаган уйда бугунга қадар икки мингдан зиёд бола камол топди. Улар орасида етук шоиру ёзувчилар, шифокор муҳандислар, маориф ходимлари бор.

Наманганнинг марказий кўчаларида яна мева-сабзавот савдоси бўйича ярмаркалар очилди. Бу ерга сара мевалар ва сархил сабзавотларни бевосита деҳқон хўжаликларининг ўзлари, воситачи савдо ташкилотларини четлаган ҳолда етказиб бермоқда. Шу туфайли, ортиқча ҳаражатлар камайтирилибгина қолмай, ярмаркага келтирилаётган маҳсулотлар юқори сифатли бўлиши ҳам таъминланмоқда.

Андижон вилоятининг Бўз тумани ҳокими Бахтиёр Ҳолмуҳамедовлар оиласига янги коттежнинг калитини топширди. Бу оила аъзоларининг оммавий жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришдаги хизматлари эвазига берилди. Бахтиёр аканинг ўғиллари Зафарбек — каратэ бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони. Фарход эса, спортнинг худди шу тури бўйича тўрт карра республика чемпионидир.

Нукусдаги собиқ тикувчилик-трикотаж фабрикаси — ҳозирги «Ариулар» акционерлик жамияти Қорақалпоғистоннинг Тўққизта туманида ва Нукус шаҳрида фирма магазинлари очди. Харидорлар катталар ва болаларнинг хилма-хил кийимларини сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар. Фирманинг чиройли ва сифатли тикилган маҳсулотларига талаб катта.

## ҲАДИСЛАР

*Бидъат-хурофотга берилганлар халқ ва халойиқнинг ёмонларидир.*

*Фақат хайрли ва савобли ишлар буюрилганда, унга итоат қилиш керак.*

*Одамларга шукур қилувчилар Тангрига ҳам шукур қилувчилардир.*

*Дейл Карнеги:*

## УЛАР БОЛАЛИКДА ҚАШШОҚ БЎЛГАНЛАР




***«ИНСОН салоҳияти ранг-баранг ва чексиз. Афсуски, у бутун ҳаёти давомида жисмоний ва ақлий салоҳиятининг озгина қисмидангина фойдаланади, холос»— деган эди буюк руҳшунос ва файласуф Уильям Жеймс.***

БИР ВАҚТЛАР Лондонда яшайдиган ўсмир ёзувчи бўлишни орзу қилиб қолди. Аммо оиласи камбағал эди. Бунинг устига қулоғигача қарзга ботган отаси қамоққа тушди. Бечора ўсмир энди кунда-кунаро очлик азобини ҳам торта бошлади.

Ниҳоят, бир куни унга омад кулиб боқди: катта омборхонадан иш топди. Вазифаси этикмой шишасига ёрлиқ қоғозини ёпиштириш эди. Кечалари омборнинг чердагида ухларди. Хуллас, бундай аҳволда ўзидан ёзувчи чиқишига ишонмас, одамларга масхара бўлишдан қўрқар ва ёзганларини нашриётга фақат ярим тунда юборар эди.

«Астойдил йиғласа сўқир кўздан ёш чиқар» деганларидек, ўсмир орзиқиб кутган бахт қуши учиб келди: ўнлаб ҳикояларидан бирини таҳририят қабул қилди. Тўғри, бу ҳикояси учун муаллифга бир тийин ҳам қалам ҳақи тўлашмади, бироқ бош муҳаррир уни мақтади, истеъдодини эътироф этди.

Ўсмирнинг астойдил саъй-ҳаракатларига озгина эътибор, мақтов ва эътироф ўз кучини кўрсатди. Каламушлар ғужғон ўйнаган омборхонада бир умр ишлаб қолиши мумкин бўлган қашшоқ ўсмир кейинчалик нафақат Англия, балки жаҳонда энг буюк ёзувчилардан бирига айланди.

Сиз уни танийсиз — ЧАРЛЗ ДИККЕНС!

...ЛОНДОНДАГИ атторлик моллари дўконида ҳам Чарлз сингари қашшоқ бола ишларди. Худо берган куни эрталаб соат бешда туриб, хонани чиннидек қилиб супириш ва камида 14 соат тинмай ишлашга мажбур эди. Ёш қалб бундай хўрликка икки йил аранг бардош берди.

Бир куни эрта тонгда турди-ю, оч-наҳор ҳолда 15 миль йўлни пиёда босиб, волидаси ҳузурига келди. Бундай оғир ишга бошқа чидаёлмаслигини, агар мажбур қилишса, ўз жонига қасд қилишдан ҳам тоймаслигини айтди. Кейин мактабдаги кекса ўқитувчисига узундан-узоқ, аммо таъсирчан хат ёзиб, хулосасида «яшагим ҳам келмай қолди» иборасини қўшиб қўйди.

Кекса ўқитувчи гап нимада эканлигини фаҳмлади-ю, болани «жуда ақлли, кўп ишларга қодир буюк инсон» бўлиб етишишини «башорат» қилиб, унга ўқитувчилик касбини таклиф этди.

Кўнгилга таскин берувчи ўша «башорат» нафақат боланинг тақдири, балки бутун инглиз адабиёти тарихида буюк ўзгариш ясади. Шундан сўнг «қашшоқ бола» 77 та (!) китоб ёзиб, миллионлаб доллар даромад топди. Балки сиз унинг асарларини ўқимагандирсиз, аммо ўзини яхши танийсиз,— ГЕРБЕРТ УЭЛЛС.

Инспектор баликчига пўписа қилади:

— Нега тақиқланган жойда балиқ тутаяпсиз?

— Балиқ тутаётганим йўқ, чувалчангни чўмилтираяпман.

— Қани, бир кўрай-чи! Бўлди, жарима тўланг.

— Нима учун?

— Чувалчангни ялонғоч чўмилтираётганингиз учун.



***

Неврапатолог бемордан сўради:

— Сизда бир ҳолат бўлиб турадими — овозни эшитасиз-у, лекин ким қаердан гапираётганини билмайсиз?

— Тез-тез бўлиб туради, доктор.

— Жуда чатоқ-ку! Қай вақтларда шундай бўлади?

— Телефонда гаплашганимда...




**Республика гидрометеорология маркази хабар қилади:**

10 июндан 16 июнгача республикамизда ҳаво очиқ бўлади. Фақат тоғ ва тоғ ён бағридаги туманларда қисқа муддатли ёмғир ёғади. Айрим жойларда эса ёмғирнинг дўлга айланиш хавфи бор.

Шарқдан эсаётган шамолнинг тезлиги секундига 12-17 метрга етади. Ҳаво ҳарорати аста-секин кўтарилади.

Тошкентда кечаси 14-19, кундузи 28-33, жанубда кечаси 17-22, кундузи 31-36, шимолий ҳудудларда эса кечаси 12-17, кундузи 25-30 даражагача иссиқ бўлади.

Кейинчалик ҳаво ҳарорати янада кўтарила бошлайди: кечаси 18-23, кундузи 33-38, жанубда кечаси 20-25, кундузи 35-40 даражани ташкил этади.

## МАРҲАМАТ, ЯНА САВОЛ БОРМИ?



### ЛЕВИЧА ҲОФИЗ

***Асримиз бошида Левича ҳофиз номи билан машҳур санъаткор бўлган дейишади?***

**Амриддин ЗОҲИДОВ.**
**Самарқанд шаҳри.**

Атоқли ўзбек ҳофизи Левича Бобохонов 1873 йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Унга ўз замонасининг машҳур санъаткори Отажалол устозлик қилган. Левича ҳофиз мақом йўлларини доира ва танбур жўрлигида ўзига хос услубда маҳорат билан ижро этган. У кенг диапазондаги ёқимли овози билан шинавандаларни мафтун қилган, донғи бутун Туркистон ўлкасига ёйилган. Унинг ижросидаги қўшиқларни «Рига акционер граммофон фирмаси» 1909 йилда грампластинкага ёзиб олган.

### БУЮК ХИТОЙ ДЕВОРИ

***Буюк Хитой девори қачон барпо этилган?***

**Умида НУРМАТОВА.**
**Тошкент вилояти.**

Ушбу деворни бунёд этишга милоддан аввалги 4-3 асрларда киришилган. 221 йили Хитой бир бутун давлат бўлиб бирлашгандан сўнг император Цин Ши Хуандий Хитойнинг шимоли-ғарбий чегараларида карвон савдо йўлларининг хавфсизлигини таъминлайдиган ягона мудофаа деворини қуришни буюрди. Девор ўн йил ичида қуриб битказилган. Ва шундан сўнг Буюк Хитой девори номини олди.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — А. Йўлдошев.
Навбатчи — Ғ. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0255. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти—21.00
Босишга топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6